

Президентимиз таъкидлаганларидек, она тили, бу — миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррардир.

Дарҳақиқат, тилда халқнинг тақдири, яшаш тарзи, маънавий бойлиги, миллатнинг савияси, руҳияти ўзининг ёрқин ифодасини топади. Истиқлолдан кейин ўзбек тили соҳасида ҳам миллий руҳ ва миллий кадриятларни тиклаш учун ҳаракат кучайди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланишга замин яратди. Шу билан бирга, бу тарихий ҳужжат ўзбек тилининг лисоний муаммоларини таҳлил қилиш, нутқ маданияти ва услубий имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш вазибаларини ўртача чиқарди.

БЕҚИЁС ИФОДА ВОСИТАСИ

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг янги таҳририда тил масаласи бугунги кун талаби даражасида ўз аксини топди. Республика-мизда ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишини она тилимизга нисбатан изчил давлат сиёсатининг биринчи босқичи деб ҳисобласак, “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бу сиёсатнинг узвий давомидир. Давлат тилини ра-в-нақ топтиришга қаратилган бу сиёсат республикамизда маъна-вий соғлом жамият ҳурилайтга-нидан далолат беради. Бироқ жойларда мазкур ҳужжатларнинг ижросига етарлича эътибор қаратилмаётгани кишини муло-ҳаза юритишга ундайди. Бунга кўмитамиз ишчи гуруҳининг на-зорат-таҳлил фаолияти жараё-нида гувоҳ бўлдик.

Маълумки, мустақиллик йилла-рида республикамизнинг шаҳар

ва қишлоқлари кун сайин кўркам-лашиб, янада чирой очмоқда. Бу гўзаллик, айниқса, кўчалардаги турли хил ёзувлар, пешлавҳалар, реклама ва эълонлар, ахборот материаллари ва безаклар билан ки-шини ўзига жалб қила-ди. Аммо айтиш керак, ушбу ёзув ва безаклар орасида айрим хатога йўл қўйиш ҳолатларининг учра-ши ҳар биримизни ташвишлан-тиради.

Мисол учун, Фарғона вилоя-тида юқорида таъкидланган қонунлар ижроси ўрганилганда, айрим камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шаҳар ва туманлар-даги пешлавҳалар, реклама ва эълонлар, ахборот материалла-ри ва безакларда турли хил ноў-рин, хато, маъносиз ва сифат даражаси жуда паст бўлган ёзув-лар кўзга ташланади. Вилоят-нинг айрим ташкилотларида ўзбек адабий тилининг амалда-

ги илмий қоидалари ва норма-ларига риоя этмасдан, эътибор-сизлик оқибатида имловий хатоликларга йўл қўйилмоқда.

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун

Бу каби ҳолатлар нафақат ушбу вилоятда, балки республикамиз-нинг бошқа ҳудудларида ҳам ку-затилаётир. Масалан, шаҳар ва кўчаларимиз юзасидаги турли реклама ва ёзувларда бошқа тил-лардаги сўзларни тўғридан-тўғри кўчириш, давлат тили қоидалари-нинг бузиб ишлатилиши ҳолатла-ри, имловий ва стилистик хато-лар мавжуд. Шунингдек, айрим корхоналар, муассасалар, ташки-лотлар ва жамоат бирлашмала-рида ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ҳамда нормаларига риоя этилмасдан,

ҳужжатларни тайёрлашда имло-вий хатоликларга йўл қўйилмоқ-да. Шундай жамоаларнинг ёзув машинкалари ва электрон ёзув-лари ҳозиргача давлат тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига мослаштирилмаган ёки мослаштирилган бўлса ҳам ундан тўғри фойдаланилмайди. Ўзбек тилидаги “ў”, “к”, “ғ”, “х” ҳарфларисиз расмий ҳужжатлар

тайёрланмоқда, натижада сўзнинг маъноси, умуман, матн мазмуни ўзгармоқда.

Яна бир ҳолат. Баъзи жойлар-да Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳам-мад Бобур каби улуғ бобокалонларимизнинг исм-шарифларини

А. Темур, М. Улуғбек, А. Жомий, А. Навоий, З. М. Бобур деб қис-картириб ёзишларга дуч келамиз. Бу кичик хатога ўхшаши мумкин, бироқ ушбу ҳолат ёшларнинг маъ-навий тарбиясига акс таъсир кўрсатиши мумкинлигини англа-сак-да, негадир эътибор қарат-маймиз.

Бундан ташқари, лотин ёзуви-даги shaxar, maxsulot, dehqon, mahalla, mahalliy, jahon, mexr, bahor, Gavhar, ilxom, Muxabbat, Nixol, shuxrat, qaxramon, hona, choyhona, mexmonhona, honadon, qaxvafona, xayvon, hayot, xajviya,

xalo!, xokim, xujjat, xiparman! va шу каби бошқа сўзларда имло-вий-орфографик хатолар кўп так-рорланади. Пешлавҳаларда ман-тиксиз, ҳеч ким тушунмайдиган номлар ва сўзларнинг ёзилиши ҳамда уларнинг дарахт ва устун-ларга ноўрин жойлаштирилиши тилга эътиборсизликдир.

Она тилимиз гўзал ва маъно-мазмунга ниҳоятда бой. Лекин ноёб ва сержило сўзларга бой ти-лимизнинг имкониятларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланишга етарлича эътибор бермаётгани-миз афсусланарлидир. Сир эмас, буюк истеъдод эгалари ҳам қадимдан тилга жиддий эътибор қаратиб келганлар, услуб ва ифо-данинг содда бўлишини, фикрни аниқ ҳамда раво ифодалашни доимо тарғиб этганлар. Бу бежиз эмас. Чунки тилнинг софлиги миллатнинг барқарорлигини бел-гилайди.

Мухтасар айтганда, юртимизда миллий гуруҳ ва маънавий кадр-иятларимизни тиклаш ва юксалти-ришнинг ҳуқуқий асослари тўла-тўқис яратилган. Биздан эса, ав-вало, она тилимиз истиқболи ҳақида қайғуриш, юқорида таъкид-ланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга астойдил кири-шиш талаб этилади. Зеро, халқи-мизнинг буюк тарихини асраб-авайлаш, бугунги кун ва келажак-га ҳақида ўйлаш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳамда вазибаларимиздир.

Насимжон АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Фан, таълим,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси аъзоси.